



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 11-avgust, payshanba,
92 (23.659)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Чақимчи
ва гийбатчи
учун кимнинг
гапини кимга
айтишининг
аҳамияти йўқ,
уларда садоқат
бўлмайди

31

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!



*Сизлар каби азму шижо-
атли, ватанпарвар ёшлар
энг катта бойлигимиз, мил-
латимизнинг “олтин фон-
ди”, десам, ўйлайманки, бу-
тун халқимизнинг фикрини
ифода этган бўлман.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Тоҳир ВОҲИДОВ:

МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН ЮТУҚНИ ФАРЗАНДИМ ҚЎЛГА КИРИТДИ

Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида Ўзбекистон жамоаси илк бор чемпион бўлди. Бу тарихий ғалабада терма жамоамиз сафида бўлган самарқандлик шахматчи Жаҳонгир Воҳидовнинг ҳиссаси катта. У ўзининг 60-юришига келиб, нидерландиялик Макс Вармердамни таслим этди ва Ўзбекистон чемпиони бўлди.



Жаҳонгир индивидуал натижалар бўйича 4-доскада ўйнаган шахматчилар орасида ҳам тенгсиз деб топилди ва олтин медални қўлга киритди. Унинг бу ғалабаси ота-онаси, яқинлари ҳамда бутун Ўзбекистон учун унутилмас воқеа бўлди. Шахматчимиз эришган буюк ғалабадан сўнг унинг яқинлари билан суҳбатлашдик.

Шахматчилар оиласимиз. Турмуш ўртоғим ҳам, болаларим ҳам шахматчи, — дейди Жаҳонгирнинг отаси Тоҳир Воҳидов. — Мен Ўзбекистон ва Осиё чемпионатлари совриндори бўлганман. Аммо жаҳон чемпионатида бундай тарихий натижага эришиш насиб қилмаганди. Мана, кўп йилдан бери ният қилиб юрган ютуққа бутун Ўзбекистон эришди. Қувончимиз чексиз, буни тасвирлаб беролмайман. Шахматчи Рустам Қосимжоновга ҳавас қилиб, ўғлимга ўзим, турмуш ўртоғим ва

амакиси устозлик қилди. Ўғлим билан фахрланаман, жаҳон чемпиони бўлиб, юзимизни ёруғ қилди. Мана шундай имкониятларни ёшларга яратиб бераётган Президентимизга раҳмат!

Шахматчининг амакиси, ҳам устози Абдуваҳоб Воҳидов таассуротлари билан ўртоқлашар экан, у эришган ютуқ, қўлга киритган медал ўзбек халқининг ютуғи, медали, дея эътироф этди.

Жаҳонгирга ҳар доим чемпион бўласан, маррани катта ол, дея уқтирдим, — дейди А.Воҳидов. — Ёшлигидан интилувчанлиги сабабли Ўзбекистон чемпиони, Осиё ва халқаро мусобақалар совриндори бўлди. Унинг Бутунжаҳон шахмат олимпиадасидаги ютуғи халқимиз учун фахридир. Президентимиз олимпиадада чемпионликни қўлга киритган жамоамиз билан телефон орқали мулоқот қилиб, уларни ушбу буюк ғалаба билан табриқлади. Рост, давлатимиз раҳбари Жаҳонгир билан суҳбатлашиб, унинг ютуғини алоҳида эътироф этганларида кўзимга ёш келди. Менимча, устозга шогирдининг мана шундай буюк ютуғини, эътирофини кўришдан ортқ бахт бўлмас керак.

Ф.РЎЗИБОВЕВ.

Жасур РИЗАЕВ:

ЎҚИМАГАН ТАЛАБАНИ, “СУПЕР-КОНТРАКТ” БЎЛСА ҲАМ, ЎҚИШДАН ЧЕТЛАТАМИЗ

Олий таълим муассасалари ичида тиббиёт институтларида таълим олиш анча мураккаб. Сабаби, шифокор бўлиш учун етарлича назарий ва амалий билимга эга бўлиш талаб этилади. Шу боис, тиббиёт йўналишидаги талабалар бошқа олий таълим муассасалари талабаларига нисбатан кўпроқ ўқийди. Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори Жасур РИЗАЕВ билан суҳбатимиз таълим тизимидаги ютуқлар, янгиликлар ва муаммоларга бағишланди.

(Давоми 2-саҳифада) >>>



Самарқандда илк бор жигар трансплантацияси амалиёти бажарилди

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида вилоят тиббиётида биринчи марта марказ трансплантологлари ва Самарқанд давлат тиббиёт университети ходимлари ҳамкорлигида жигар трансплантацияси амалиёти ўтказилди.



1965 йилда туғилган бемор С.Л. жигар циррози, субкомпенсация босқичи билан касалланган бўлиб, унга 1987 йилда туғилган қизи Н.К. донорлик қилди.

9 август кўни бўлиб ўтган операция 13 соат 20 дақиқа давом этди. Операцияда 8 нафар врач трансплантолог, 5 нафар врач анестезиолог, 2 нафар трансфузиолог, 5 нафар операция ҳамшира, 5 нафар анестезист ҳамшира иштирок этди.

Биз мураккаб амалиётни муваффақиятли бажардик ва бу Самарқанд тиббиётида яна бир янгилик бўлди, — дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачлари, Самарқанд давлат тиббиёт университети кафедра мудири Лутфулло Махмонов. — Жигар трансплантацияси

амалиётини бажаришга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдик. Бунинг учун ходимларимиз Москва, Қозон, Киев, Истамбул, Анкара шаҳарларида малака ошириб келди. Қолаверса, академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ходимлари бизни қўллаб-қувватлади.

Таъкидлаш жоизки, инсон органларини кўчириб ўтказиш амалиётларини бажариш учун мазкур марказга вилоят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан 10 миллиард сўмлик тиббий асбоб-ускуналар олиб берилди. Бу эса марказда мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариш имкониятларини кенгайтирди.

Б.МУСТАНОВ

Оилавий болалар уйида 5 нафаргача бола тарбияланади

2022 йил 4 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий болалар уйлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

оилавий болалар уйлари етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга олишни истаган фуқаролар томонидан юридик шахс мақомисиз тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида ташкил этилади;

оилавий болалар уйидаги тарбияланувчилар сони камида 3 нафарни ташкил қилиши лозим. Бунда, оилавий болалар уйини ташкил қилган фуқароларнинг ўз фарзандлари ҳамда тарбияланувчиларнинг умумий сони 8 нафардан ошмаслиги керак (ушбу чеклов давлат тарбия муассасаси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган ва юридик шахс мақомисиз қайта ташкил этилаётган оилавий болалар уйларига татбиқ этилмайди);

оилавий болалар уйлари тўтинган ота-оналарни тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатган фуқаролар томонидан ташкил қилишга рухсат этилади;

оилавий болалар уйлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Миллий гвардия ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларининг болаларни ҳимоя қилиш шўбалари томонидан амалга оширилади;

оилавий болалар уйини ташкил этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган шахслардан тегишли вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базаларидан олиш мумкин бўлган ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

Амалда юридик шахс мақомидаги давлат тарбия муассасаси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган оилавий болалар уйлари юридик шахс мақомисиз қайта ташкил этилади.

Оилавий болалар уйлари ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар учун тўтинган ота-оналарни тайёрлаш курслари ташкил этилади. Ушбу жараёнга малакали, шу жумладан, хорижий мутахассислар жалб қилинади. Жамоат хавфсизлиги университети тўтинган ота-оналарни тайёрлаш курслари фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Оилавий болалар уйлари ташкил қилмоқчи бўлган фуқаролар нодавлат таълим ташкилотлари томонидан ташкил қилинган тўтинган ота-оналарни тайёрлаш курсларида ўқиши ва тегишли сертификатни олиши мумкин.

2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларга ҳар ойда Давлат бюджетидан:

нувчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 баравари миқдоридан;

ҳар бир тарбияланувчини парвариш қилиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1 баравари (ногиронлиги бўлган болалар учун 1,5 баравари) миқдоридан;

ҳар бир ногиронлиги бўлган болани даволаш-соғломлаштириш учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдоридан маблағ ажратилади.

Тарбияланувчиларнинг яшаш харажатлари учун ажратилган маблағлар ҳар ойнинг 5-санасига қадар тўтинган ота-она номига очилган банк пластик картасига тўғридан-тўғри ўтказиб берилади;

тўғарақлар ва курсларга бепул қатнашади. Улар учун Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси томонидан йилга бир мартаба соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш учун бепул йўлланмалар ажратилади. Туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан бир йилда икки мартаба республикаликнинг тарихий шаҳарларига бепул саёҳатлар ҳамда театр томошалари ва концерт дастурлари ташкил этилади. Тарбияланувчилар давлат даволаш-профилактика муассасалари томонидан бир йилда икки мартаба бепул тўлиқ тиббий текширувдан ўтказилади.

Оилавий болалар уйидаги тарбияланувчиларга берилётган соғломлаштириш оромгоҳига ва саёҳатга бориш, театр томошалари ва концертларда қатнашишга оид имтиёзлар оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларнинг ўз фарзандларига ҳам татбиқ этилади.

Жасур РИЗАЕВ: ЎҚИМАГАН ТАЛАБАНИ, “СУПЕР-КОНТРАКТ” БЎЛСА ҲАМ, ЎҚИШДАН ЧЕТЛАТАМИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

- Яқинда Самарқанд давлат тиббиёт институти университетга айлантирилди. Бугун университет хорижий нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда фаолият олиб бора оладиган мутахассислар тайёрлашга киришди. Бу йўлда қўйган қадамларимизнинг илк натижалари ҳам кўриниб турибди. Ўн йил олдин скопус нима экани, жаҳон тан олган журналларда мақолалар чиқариш хаёлимизга келмаган. Мана, энди университетимиз жаҳон тан олган платформаларда ўзининг янгилликлари, илм-фан бўйича ютуқларини бериб бораёпти. 2022 йил республикамиздаги ўттизга яқин олий таълим муассасаси Британиянинг Times Higher Education таълим муассасаларининг рейтингига кирган бўлса, унда университетимиз кучли ўнликда турибди. Бу кўрсаткич охириг йиллардаги ислохотларнинг натижасидир. Республикада ҳозирча биз биринчи ва ягона университет мақомига эга бўлган олий тиббиёт муассасасимиз. Тўқсон йиллик тарихга эга институтнинг университетга айлантирилиши интеграция ва жаҳон талабларига яқинлашиш бўйича қўйилган катта қадам деб ҳисоблайман. Университетда фақат таълим бериш, ўқув жараёни эмас, балки илмий, амалий жараён, инновациялар, илмнинг бевосита амалиётга татбиқ этилиши, ёшларнинг сиёсатга муносабати, маънавий-маърифий муҳит - ҳаммаси мўжасам ҳолатда камраб олиниши керак. Бунга ҳам жаҳон талаблари, Болония таълим тизими талаблари бўйича шахдам қадамларни ташлаб келяпмиз.

Охириг уч йилда хорижий етакчи олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилди ва бу дастурларнинг киритилиши ҳам жаҳон андазаларига мос, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш учун қўйилган қадам десам, тўғри бўлади. Негаки, университетимиз ичида икки рақобат юзага келди, яъни маҳаллий дастурлар билан таълим олаётган талабалар ва хорижий қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олаётган талабаларни солиштириш, илм олиш даражаси, илм-фан ютуқларини ўқув жараёнига татбиқ қилиш бўйича таҳлилий маълумотларни қилиш имконига эга бўлди. Биз ҳам Ўзбекистонда етакчи олий таълим муассасаси сифатида брендимизни шакллантиришга, рейтингимизни ушлашга ҳаракат қилаёмиз.

Университетимиз республикадаги энг кўп хорижий талабаларни ўқитаётган олий таълим муассасасидир. Бугун университетда Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатлардан келган етти юздан ортиқ талаба ўқишмоқда. Бу ҳам хорижий давлатларнинг университетимизга бўлган ишончи деб ўйлайман.

- Университетда талабалар тураржойи неча фойс талабани сиғдира олади? Қўшимча талабалар тураржойи қуриляптими?

- Республикада барча олий таълим муассасаларидаги сингарни бизда ҳам талабалар тураржойи масаласи оғриқли муаммолигича қолмоқда. Ҳозирча талабаларни юз фойс тураржойи бўйича талаб қилинаётган жойларнинг 50-60 фойзини ташкил қилади. Бугунги кунда Рудавий кўчасида давлат-хусусий шерикчилик асосида 4 қаватли 550-600 ўринли ётоқхона қуриш ишларини бошлаганимиз. Режамиз бўйича

ётоқхонани 1 октябрдан фойдаланишга топшираёмиз. Ётоқхона тадбиркорнинг маблағи асосида қуриляпти. Талаба ётоқхона ижара пулининг маълум қисмини ўзи тўлайди, қолганини давлат тўлаб беради.

- Америка, Исроил каби давлатларда Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” китоби тиббиёт институтларида ўқитилар экан. Бизда-чи?

- “Тиб қонунлари” Ғарб тиббиётининг ривожланишига туртки бўлган асосий манба бўлса-да, афсуски, бизда эътибордан четда қолган. Охириг икки йилда ташкил қилинган халқ таълим факультетимиз мавжуд. Факультетда халқ таълим факультетининг маълумоти, доривор аралашмалар, умуман, таъбиот билан боғлиқ бўлган барча усуллар замонавий тиббиётга интеграция қилинган ҳолда мутахассислар тайёрланади. Уларнинг асосий ўқув дастурларига “Тиб қонунлари” киритилган.

- Нега ҳамон мураккаб операциялар хорижий давлатларда амалга ошириляпти? Хорижга бориб даволанишга ҳамма ҳам маблағ тополмайди, албатта. Мураккаб операцияларни ўзимизда бажариш вақти келмадими?

- Ўн йил олдинги тиббиётни эслаш оласизми? Одамлар томирга стент қўйдириш учун ҳам Ҳиндистон, Россия ёки бошқа давлатларга боришди. Бугунги кунда юрак хуружи билан мурожаат қилган беморларни стентлаш, аорта коронар шунтлаш, юрак етишмовчилиги билан боғлиқ амалиётлар ҳам инвазив, лапароскопик усулда амалга ошириляпти. Ўн йил олдин бу хаёлимизга ҳам келмаганди.

Самарқанддаги кардиология шифохонаси республикада етакчи шифохоналардан бири. Бу ерда барча турдаги кардиожаррохлик операциялари амалга оширилади. Қорин бўшлиғида бирон бир патология ҳолат бўлса, лапароскопик асбоб-усқуналар орқали қоринни ёрмасдан операция қилиниши биз фақат телевизор ёки интернетда кўрадмик. Лекин ҳамма нарсани бирданги ўзгартиришнинг имкони йўқ. Бу нафақат мутахассисларимиз билан, балки қимматбаҳо асбоб-анжомларга ҳам боғлиқ. Икки йил олдин кўп тармоқли 1-клиникамизда бир донга ҳам рақамли рентген аппарати йўқ эди. Бугунги кунда бешта рақамли рентген аппарати бор. Ундан ташқари, энг замонавий 128 сезимли мультиспираль компьютер томография, магнит резонанс томография усқунаси мавжуд. Шу тарзда ривожланишда бўлсақ, албатта, 10-15 йилда жаҳон тиббиёти даражасига чиқиб оламиз.

Айтсак, биров ишонмаслиги мумкин, аммо август ойда университет мутахассислари жигар трансплантациясини йўлга қўйяпти. Биз зарур асбоб-анжомларнинг ҳаммасини олдик. 6-7 нафар профессор-ўқитувчини Туркияда ўқитдик. Ҳозир бемор билан донорни тайёрляпмиз. Буйрак трансплантациясини ҳам Самарқанд шаҳрида амалга оширяпмиз. Буларнинг барчаси ривожланаётганимизнинг исботи.

- Табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқиган талаба эртага яхши тиббиёт ходими бўла оладими? Сизнингча, тиббиёт муассасаларида “супер-контракт” асосида ўқишга қабул қилинди?

- Ўн йил олдин тиббиёт институтлари талабалар таниш-билиш орқали ўқишга кирарди-ку! Биз бунга кўзимизни юмардик, билиб-билмаганликка олардик. Лекин бугун Президентимиз таълимни коррупциядан ажратиш бўйича жуда катта иш қилдик. Мен 31 июль куни ухласам-да, уйғонсам, 2 август бўлса деб орзу қилардим. Шунанга мураккаб вазият эди, биров илтимос қилса, биров тазйиқ қиларди. Шу ишларни қилмаганим учун қанча тазйиққа учраганим.

Ўтган йили 103 нафар, бу йил 50 га яқин талабани ўқишдан ҳайдадик. Биз ҳам талабаларни кучайтиряпмиз. Масалан, ўқишдан четлатилган 103 нафар талабанинг 50 фойздан ортиғи табақалаштирилган тўлов-контракт асосида тахсил оларди. “Супер-контракт” асосида ўқишга кирган бўлса ҳам ўқимаса, уни ўқишдан четлатиришимиз. Бутун дунёда ўқишга кириш осон, ўқиш қийин. Шу пайтгача бизда ўқишга кириш қийин, ўқиш осон бўлган, яъни кирдимиз, багириб кетган. Аслида олий таълим муассасасига ўқишга кириш эркинроқ бўлиши керак. Қамровни 9 фойздан 26 фойзга ошириш – бу катта имконият. Ҳозир ёшлар озгина ҳаракат қилса, ўқишга кириб кетади, таниш-билиш ҳам, бошқа йўллари қидириш ҳам шарт эмас.

Баъзи сабаблар билан яхши ўқиганлар ҳам табақалаштирилганга тушиб қолиши мумкин. Уч-тўрт йил, боринги, ўн-ўн беш йилда супер-контракт барибир йўқолади, чунки натижа шуни кўрсатяпти. Масалан, 2020 йилда 260 нафар талаба табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагини билдирган бўлса, 2021 йилда 200 нафар талабани қабул қилдик. Йилдан йилга “супер-контракт” асосида ўқишни хоҳловчилар камайиб бормоқда.

Бизда болаларнинг билим олишга бўлган интилишида ҳам катта муаммо бор. Бола билим олишнинг ўзи учун кераклигини ҳис қилиши керак. Аммо ҳозирча ҳис қилмаяпти. Ёшларимизда диплом олсам бўлди, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деган фикр бор. Бу нотўғри фикр, айниқса, тиббиётда. Билими бўлмаса, диплом олгани билан у ҳеч қачон яхши дўхтир бўлолмайди.


- Чет давлатларда энг зўр шифохоналар тиббиёт таълим муассасаларида деб айтилади. Сиз раҳбарлик қилаётган университетнинг клиникалари кўпроқ қайси касалликларга мослашган, уларда барча шарт-шароитлар мавжудми?

- Институтни битирганимга 25 йил бўлди. Ўша пайтларда тиббиёт институтини битирган талабалар хусусий клиникага бориб, бошқа бир дунёни кўради. Хусусий клиникалар давлат шифохоналаридан ривожланиб кетган. Ҳозир шундай давлат клиникалари борки, ҳеч қайси хусусий клиникада бундай шароит йўқ. Албатта, тиббиёт университетининг клиникалари энг зўр клиника бўлиши керак. Бутун дунёда шундай, чунки у ерда етакчи олим, профессор, доцентлар фаолият кўрсатади. Лекин шунга яраша моддий-техник базаси ҳам бўлиши лозим. Афсуски, узоқ йиллар давомида моддий-техник базани ривожлантиришга эътибор қаратилмади. Мутахассислар ҳам шунга яраша бўлиб қолди. Охириг беш йил ичиде бу борада ҳам ўзгаришлар бўлди.

Университетнинг кўп тармоқли 1-клиникасида барча йўналишлар бор. Уларда энг яхши шифокорлар ишлайди. Фақат моддий-техник базамиз бугунги кун талабиде эмас. Боя айтганимдек, секин-секин янгиляняпти. Ҳукуматимиз томонидан амалга ошириляётган ислохотлар доирасида Осие тараққиёт банки, Жаҳон тараққиёт банкнинг кредит ва грант маблағлари ҳисобига республикадаги барча олий тиббий таълим муассасаларининг клиникалари қайта жиҳозляняпти. Масалан, клиникамиз биринчи асбоб-анжомларни олди. Бир йил давомида яна уч миллион долларлик асбоб-усқуналар олади. Бундан ташқари, Япониянинг JICA ташкилоти томонидан 80 турдаги асбоб-анжомлар университетимизга берилляпти. Буларнинг ҳаммаси ўқув жараёнини яхшилашга қаратилган.

Биз кечаги тиббиётдан воз кечиб, келажак тиббиёт учун қадам ташлашимиз керак. Кечаги тиббиёт ўз ишини бажарди. Бизга бугунги пойдеворни яратди.

- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат! Хуршида ЭРНАЗАРОВА суҳбатлашди.



КАДАСТР МУАММОСИ:

Президент топшириғига қадар қандай эди? Энди нима ўзгаради?

- Келинг, аввал вилоятимиздаги вазиятга тўхталаск. 2 миллион 600 минг хонадоннинг нечаси Самарқандда? Шу вақтгача уларнинг кадастр ҳужжатларини шакллантиришга нима халақит берди?

- Бугунги кунда вилоятимизда 370 мингдан ортиқ хонадоннинг кадастр ҳужжати мавжуд эмас. Бу умумий статистик маълумот. Яқинда ўтказилган хатлов давомида бу рақам яна ошиши мумкин. Гап шундаки, 40-50 йил олдин қурилиб, фойдаланиб келинган аксарият уйларнинг ҳам ҳеч қандай ҳужжати йўқ. Бу хонадон эгаларига собик иттифок даврида қолхот томонидан ер ажратилган. У даврдаги ҳужжатларни тиклаш эса ҳозир деярли имконсиз.

Кадастр билан боғлиқ муаммо ҳам мана шу нуқтадан бошланади. Қонунчилигимизга кўра, ерга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган фуқаро хонадоннинг кадастр паспортини шакллантира олмайдди. Яқин йилларгача аҳоли солиқ идоралари, маҳалладан олган маълумотномаси, қўшниларнинг гувоҳлиғи билан ҳудуд ҳокимида ерга эгалик ҳуқуқини тиклаб олаётган эди. Аммо ҳокимларнинг ер билан боғлиқ ваколатлари бекор қилинган, бу имконсиз бўлиб қолди. Табиийки, фуқаро ўз хонадонни турган ерни аукционга чиқариб, қайта сотиб олмайдди. Масала биров чигаллашиб кетган эди.

- Президент топшириғига асосан ишлаб чиқишли белгиланган янги қонун лойиҳаси нимани назарда тутяди?

- Янги қонун кадастр ҳужжатлари йўқ хонадон эгаларига ерга эгалик ҳуқуқини бериш ва уларга кадастр ҳужжатларини шакллантиришнинг соддалаштирилган ягона тартибини ишлаб чиқишни назарда тутяди. Шу билан муаммо узил-кесил ҳал этилиши белгиланган.

Айни мақсадда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ишчи гуруҳлар шакллантирилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятининг Бекобод туманида хатлов ишлари бошлаб юборилган. Жараёнда тўпланаётган тажриба асосида бутун республика ҳудудида хатлов ўтказиш ҳамда жорий йилнинг 1 октябрга қадар кадастр ҳужжати бўлмаган барча хонадонларнинг маҳаллабай электрон рўйхатини шакллантириш кўзда тутилган. Жараёнда ишчи гуруҳлар томонидан фуқароларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқини эътироф этишга асос бўлувчи ҳужжатлар ҳам тўпланиб, электрон базага киритиб бориллади. Шундан кейин республикадаги умумий вазият таҳлил қилинади ҳамда тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

- Нега айнан ҳозир? Кадастр билан боғлиқ муаммо кеча ёки бугун пайдо бўлган йўқ. Мазкур чора-тадбирлар олдинроқ қўрилса, аҳоли сарсонгарчиликларининг олди олинган бўлмасми?

- Бу муаммони ечишга қаратилган биринчи чора эмас. 2018 йилда Президентимизнинг “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчилик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги фармони чиққан эди. У асосида вилоятимиз бўйича бошқарманинг шаҳар ва туман филиалларига Давлат хизматлари марказлари орқали келиб тушган аризалар сонини жами 85 630 тани ташкил этди. Шундан, ижобий ҳал этилган мурожаатлар сонини 40 718 та бўлиб, ушбу фуқароларга яшаб турган ери учун эгалик ҳуқуқини берилиб, хонадоннинг кадастр ҳужжатлари шакллантирилди. Лекин у муддатли акция эди. Очиги, берилган қисқа вақтда барча мурожаатларни ижобий ҳал этишнинг имкони бўлмади. Ер, уй-жой эгалиғи нозик масала. Шошма-шошарлик билан ишга юзаки қаралса, нотўғри қарор қабул қилиб, бир инсоннинг уйини бошқанинг номига расмийлаштириб бериш ҳеч гап эмас. Ҳужжати йўқ уйни ҳар ким ҳам меники дейиши мумкин. Буни инобатга олиш керак.

Албатта, ўтган вақтда ташкилотимиз томонидан ҳам бу масала бўйича қатор лойиҳалар ишлаб чиқилди. Лекин тажриба шуни кўрсатмоқдаки, муаммо тизим ташкилотларнинг қарори билан ҳал бўлмайди. У умумреспублика даражасида, ягона қонун ва низоом асосида қўриб чиқишли зарур. Ишлаб чиқишли белгиланган янги қонун лойиҳаси шу жиҳати билан аҳамиятли ҳисобланади.

- Айрим фуқаролар янги қонун билан барча ҳужжатсиз ерларга эгалик ҳуқуқини беришларкан, бундан иморат қуриб олсам бас, деган хаёлга боришмоқда. Ҳатто баъзи урдабу-ронлар томонидан иморат кўтариш ишлари бошлаб юборилган ҳақида эшитдик. Буни қандай изоҳлайсиз? Янги қонун билан яна акция эълон қилинадими?

- Ўринли савол бердингиз. Ҳозир бизнинг олдимизда турган асосий вази-фалардан бири ҳам шу, аҳоли орасидаги тушунмовчиликнинг олдини олиш. Қонунда акция назарда тутилмаган. Қолаверса, яқин ўртада ўзбошимчилик билан қуриб олинган уйга ҳужжат берилмайди. Аксинча, бу ҳаракат қонунга зид ҳисобланади ва фуқаро белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Аҳолини бундан ҳабардор қилиш учун жойларда кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бораёмиз. Бунда бизга маҳалла фаоллари, ҳоким ёрдмчилари яқиндан қўлмак бераёпти.

Барча билиши керак бўлган нарса бор: ерга эгалик ҳуқуқини унга иморат қуриш билан шаклланиб қолмайди. Ҳолат кўп тарафлама ўрганилади, тўланган ер ва мол-мулк солиқлари, олдинги ҳужжатлар қўрилади. Шунингдек, белгиланган ердаги иморатнинг нечани йил қурилганлиги фазовий суратлар орқали қўриб чиқилади. Бу технология бизга ўша ер майдонининг бундан 5, 10, 15 йил олдинги ҳолатини кўриш имкони беради. Бундан ташқари, Давлат кадастрлари ягона тизими бор. Унда ҳар бир кўча, маҳалла, аҳоли яшаш пунктининг чегаралари чизилган. Бир сўз билан айтганда, бугунги тизимни алдаб бўлмайди. Айни тизим орқали олиб борилган ҳужжатлар натижасида жорий йилнинг ўтган 6 ойида вилоят бўйича жами 1529 та ноқонуний қурилиш аниқланган. Шундан, 954 таси бўйича маъмурий баённома расмийлаштирилган бўлса, 123 нафар жавобгарга маъмурий чора кўриш учун тўпланиган ҳужжатлар жиноят ишлари бўла-судлар ва бошқа ваколатли органларга юборилган. Улар асосида қўлланилган жарималарнинг умумий қиймати 12 миллиард 556 миллион 300 минг сўмни ташкил этяди.

Яна бир нарсани айтишимиз жоиз, кўп йиллар олдин қурилган уйларнинг барчасига ҳам ҳужжат берилмайди. Сабаби, уларнинг аксарияти таъқиқланган ёки химоя ҳудудларида қурилган. Бу каби ҳолатлар бўйича шу жойларда яшовчи фуқаролар ҳам кўп маротаба оғохлантирилган.

- Ҳўп, вилоятимизда хатлов бошланди ҳам дейлик, фуқаролар бу жараёнга қандай тайёргарлик қўришлари керак? Уй-жойга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга асос бўлувчи ҳужжатларга қайсалар қиради?

- Бунинг учун бирор тайёргарлик керак эмас. Улар ер ва уйга оид барча ҳужжатларини сақлаб, имкони бўлса, йўқотилганларини тиклаб олиши кифоя. Асосийки, ҳужжатлаштириш қолиш учун ўзбошимчилик билан қўшимча иморатлар қуришдан тийилиш керак. Бу ҳаракатлар фуқаро учун муаммо келтириб, унинг жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Уй-жойга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга асос бўлувчи ҳужжатларга келсак, уларга маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тақдим этилган маълумотнома, ер ва мол-мулк учун тўланган солиқ ҳамда коммунал тўловлар квитанциялари қиради. Хатлов тартиби ва муддати аниқ белгиланган, қўшимча маълумотлар бериллади.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси тақдим этилган маълумотга кўра, жорий йил вилоятимизда давлат кадастрлар палатаси туман ва шаҳар бўлиmlари томонидан тақдим этилган онлайн маълумотларга асосан 448525 та объектга 151560,9 миллион сўм, 66339 та объектга 29248 миллион сўм оширилган ер солиғи ҳисобланган. Бунинг учун амалдаги Солиқ кодексининг 437-моддаси асос қилиб олинган. Унда ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда, солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг 3 баравари миқдориде ҳисобланиши кўрсатилган.

Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, янги қонун қабул қилинганга қадар бу уй-жой эгаларига уч қарра оширилган солиқ қўллаш амалиёти қўлланилмай туриши белгиланган.

Асқар БАРОТОВ суҳбатлашди.

Пенсия бўлими эски жойига қайтди

Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлимининг жорий йил давомида бир неча манзилларга кўчгани аҳоли учун қўллаб-ноқулайликлар туғдирди. Бу ҳақда газетамизнинг 21 июлдаги 83-сониде “Кўчманчи идора” сарлавҳаси билан танқидий мақола ҳам бергандик.



Нихоят, бир қанча оворагарчиликлардан сўнг бўлим олдинги биноси – шу пайтгача Президентнинг вилоятдаги Халқ қабулхонаси фаолият кўрсатаётган Самарқанд шаҳар, Даҳбед кўчаси 32-йи (собик Сиёб тумани ҳокимлиғи биноси)га қайтди. Аникроғи, бионинг чап томонидаги “Бизнес-омбудсман” идораси ёнидан қой олди.

Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бирлашган қасаба уюшмаси раиси А.Раҳимовнинг маълум қилишича, бугунги кунда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлими ҳисобиде 50613 нафар ёшга доир пенсия олувчилар, 6315 нафар ногиронлик пенсияси ва 3273 нафар бокувчисини йўқотганлик пенсияси ҳамда 7023 нафар ижтимоий нафақа олувчи фуқаролар мавжуд.

Бир рақам шарҳи

Жорий йил июнь ойида мамлакатимизнинг Марказий Осие давлатлари билан ташқи савдо ҳажми 15,1 фойзга ўсиб, 3,4 миллиард долларга етди. Бу умумий савдо ҳажмининг 13,9 фойзини ташкил этди. Бунда Қозоғистоннинг улуши – 2,1 миллиард, Қирғизистонники – 589,2 миллион, Туркменистонники – 418,2 миллион ва Тожикистонники 289,7 миллион долларни ташкил этди.

Эътиборсизликнинг оқибатлари ёмон

Матбуот уйида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Умиджон Ахроров иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида инсонларнинг ис газидан заҳарланиши ва ёнғин ҳолатлари ҳақида маълумот берилди.

Қайд этилишича, йилнинг ўтган даврида тўрт марта ис газидан заҳарланиш ва бир марта ҳаво-газ аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ нохуш ҳолатлар кузатилиб, бунинг оқибатида 10 киши

вафот этган, 3 киши жароҳатланган. – Ёқилги ва энергия ресурсларидан фойдаланишда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган махсус гуруҳимиз ўтказган профилактик

тадбирларда 22 мингга яқин уй-жойда газ қувурлари, 9218 та маиший газ баллонлари, 3521 та табиий газ ҳамда 1378 та қаттиқ ёқилғида ишлатиладиган печ ва уларнинг дудбуронлари текширилиб, 305 та носозликлар аниқланди, – дейди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Умиджон Ахроров. Шунингдек, кўп квартиралли уйлар хонадонларининг газ қувурларида аниқланган 21 та носозлик бартараф этилди. 93 та газ ускунаси ва жиҳозлари таъмирланди. Ижтимоий соҳа объектларида 113 та, тадбиркорлик субъектларидаги 101 та газ қувурларидаги носозликлар тузатилади.

Ўз мухбиримиз.

Фермер “Малибу”нинг пулини ерга “урди”

Иштихон туманининг Барлос маҳалласида узумчилик ҳадисини олган бободеҳқонлар кўп. Аммо улар яқин йилларгача фақат сўғориладиган ерлардагина тирикчилик қиларди. Маҳалланинг Қўшработ қирларига туташиб кетган дашт ҳудуди бундан 5-6 йил илгари қақраб ётарди. Кейинги йиллардаги қурғоқчилик сабаб, барлосликлар бу ердан на лалми экин етиштириб, на яйлов сифатида фойдалана оларди. Бугун ана шу қир-адирлар бағри яшилликка бурканипти.

“БАРЛОСНИНГ БЕПОЁН БОҒЛАРИ”

Даврон Шодиев раҳбарлик қилиб келаётган фермер хўжалиғи шу ном билан аталади. Хўжалик бундан 4 йил аввал ташкил этилган бўлиб, ҳудудда асосан ток парваришланаяпти.

– Болалигимдан узумчилик сирларини ўрганиб келаман, – дейди фермер. – Аммо яқин йилларгача катта майдонда тоқзорлар яратиш хаёлимга келмаган. Мамлакатимизда фермерлар учун яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, шу ишни бошладим. “Мингчинор” агрофирмаси ҳудуддан хўжалигимиз учун ажратилган 20 гектар ерда асосан, ток, шунингдек, бодом, ёнғоқ, шафтоли ва бошқа меваги дарахт ниҳолларини қадаганмиз. Сувни тежаш мақсадида томчилатиб сўғориш усулидан фойдаланаяпти. Токлар ҳосилга киргунча улар орасига полиз маҳсулотлари экканмиз. Бунинг учун водийдан деҳқонларни тақлиф қилдик. Улар бизга қовун-тарвуз етиштиришни, уларга эса узумчилик сирларини ўргатиб, тажриба алмашмаяпти.



сўм даромад қилишни мўлжаллаб турибмиз. Биз томонларда бир қарич бўш ер тополмайсиз. Бу ерда, кенг лалми ер майдонларида меҳнат қилишнинг гашти бошқача. Биринчидан, хосилдорлик яхшилиги, иккинчидан, чангиб ётган ерлар томчилаб турган сув билан боғ-роғларга айланаётгани кишини ҳайратга солади.

БОШЛАНИШИГА 150 МИЛЛИОН СЎМ...

Даврон ака аввало, адирликдаги катта майдонда деҳқончилик қилишга иккиланди, аммо узоқ ўйлаб ўтирмади. Бошланишига 150 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаб, ишга киришди.

– 3 та артезиан қудуғи қазирдим, – дейди у. – Ҳовуз ташкил қилиб, томчилатиб сўғориш учун керакли бўлган сув насослари ва қувурларни келтирдим. Айрим маҳалладошларим адирликда узум етиштириб бўлмади, бунинг ўрнига “Малибу” автомашинаси сотиб олиш фойдалироқ эканлигини айтишди. Мен эса орта чекимдадим, таваққал қилдим. Бир йил ўтиб, тўғри йил танлаганимга ишонч ҳосил қила бошладим. Республикамиз Президенти қарори билан 176 миллион сўм субсидия олдим. Бу маблағиям фаолиятимизни кенгайтиришга сарфладим. Кечаги меҳнатимизнинг бугунги самараси бошланишида биз учун янгилик бўлган томчилатиб сўғориш усулидан фойдаланишдаги тушунмовчиликлар, уйимдан хўжалик ер майдонигача бўлган 4 километрик

ИШЛАШ УЧУН ХОРИЖГА БОРИШГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

Шу маҳаллада яшовчи ёшлардан бири Шоядбек Саидқулловни ишсизлик муаммоси қийнаб келаётган эди. Фермер Даврон Шодиев унга бир гектар ерни бирикти-

ФАЙЗЛИК ДЕҲҚОН БАРЛОСТА ФАЙЗ КИРИЯПТИ

Даврон акага кўмаклашиш учун водийдан келган деҳқон Абдурауф Туронов Фаргона вилояти Бешариқ тумани, Файз қишлоғи-



дан. У 4 йилдан бери деҳқончилик мавсумини оиласи билан шу ерда ўтказишди. Олаётган даромади ҳам мўмайгина. – Бир неча йилдан бери шу ҳудудда эрта кўклардан кеч кузгача меҳнат қиламиз, – дейди у. – Ўтган йили 1 гектар ерда қовун-тарвуз етиштириб, 40 миллион сўм даромад қилдик. Бу йил 5 гектарга полиз маҳсулотларини экидик ва 200 миллион

риб, бу муаммога ечим топди. – Анчадан бери ўзимга муносиб иш тополмай сарсон эдим, – дейди Шоядбек. – Бир неча йил хорижда ҳам ишлашга тўғри келди. Амаким фермер хўжалиғи ташкил этганини айтиб, мени ишга тақлиф қилди ва бир гектар ер берди. Бу ерда этилган қовун-тарвузларни сотишни бошладик. Меҳнатимиз ҳосилини кўриб, ишлаш учун хорижга боришга ҳоҳат йўқлигимга амин бўляпман.

масофага пиёда катнаганларим ва бошқа қийинчиликларни унутишимизга сабаб бўляпти. 2019 йилда экилган тоқлардан бугун мўл ҳосил олина бошлади. Ҳали ҳосилга кирмаган ниҳоллар орасида етиштирилган полиз ва сабзавот маҳсулотларидан ҳам мўмайгина даромад кутиляпти. Бир сўз билан айтганда, Даврон аканинг яхши кунлари олдинда.

Тўлқин СИДИҚОВ, Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Касб-ҳунар ўрганиш истагидаги ёшлар КОСАда жам бўлди

Вилоят бандлик бош бошқармаси томонидан Самарқанд шаҳридаги ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш марказида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқишни давом эттиришни мақсад қилган битирувчилар ҳамда ташкилот ва корхоналар бўш иш ўринлари билан иштирок этди.



Чорвачиликда 216 миллиард сўмлик 38 лойиҳа ишга тушади

Жорий йилда вилоятимизда қорамолчилик йўналишида умумий қиймати 216 миллиард 54 миллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилади. 7691 бош қорамол боқини ташкил этадиган 38 та лойиҳани ишга тушириш орқали 630 дан ортиқ иш ўрни яратилади ва соҳада йилига 861 тонна гўшт ва 13 минг 844 тонна сут ишлаб чиқарилади.

Кўйчилик йўналишида эса умумий қиймати 31 миллиард 823 миллион сўмлик, йиллик қуввати 87 тонна гўшт ва 1352 дона тери ишлаб чиқаришга мўлжалланган 10 та лойиҳа ишга туширилади.

Паррандачилик йўналишида умумий қиймати 313 миллиард 261 миллион сўмлик, йиллик қуввати 278 миллион дона тухум ва 1439 тонна парҳез гўшт ишлаб чиқаришга мўлжалланган 27 та лойиҳа ҳамда балиқчиликда қиймати 44 миллиард 455 миллион сўмлик 54 та лойиҳани ишга тушириш орқали жами 1,1 мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

Бугунги кунда Пахтачи туманида “Сардор Илғор Пахтакор” фермер хўжалиғи вилоятдаги наслчилик фермер хўжалиқларидан 20 бош насли қорамол сотиб олиб, лойиҳани ишга туширди ва 4 та янги иш ўрни яратди. Иштихон туманида “Хуснидин Сеторабону” фермер хўжалиғи томонидан 33 бош қорамол олиб келинган ва банк томонидан ажратилган 240 миллион сўм кредит маблағи эвазига қурилиш

ишлари тугатилиб, лойиҳа ишга туширилган ҳамда 3 та янги иш ўрни яратилган. Бундан ташқари, Пахтачи туманида асаларчилик йўналишида “Пармонов Сайфулла Бердибоевич”, “Шахриддин яратган ниҳоллар”, “Зарафшон олтин олмалари” ва “Саъдинов Сафар боғи” фермер хўжалиқлари томонидан 4 та лойиҳа ишга туширилиб, 85 та асалари оиласи ташкил этилди.

Кўйчилик йўналишида “Қора тулпор замини” фермер хўжалиғи томонидан маҳаллий бозордан 300 кўй харид қилиниб, лойиҳа тўлиқ ишга туширилган ҳамда 2 та янги иш ўрни яратилган.

Балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича Нарпай туманида “Қоракўл ҳалол балиғи” фермер хўжалиғи томонидан 150 миллион сўм ўз маблағи ҳисобига балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси ташкил этилиб, 2 та янги иш ўрни яратилди.

У.ЯХШИМУРОДОВ, “Ўзагроинспекция”нинг вилоят бошқармаси бош инспектори.



Унда вилоят халқ таълими бошқармаси, Самарқанд шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази ва ўқув марказ мутахассислари хунар ўрганиш истагида бўлган ёшларга марказ фаолияти, марказда мавжуд йўналишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

– Бугун пайвандчи мутахассисга талаб катта, – дейди хунар ўрганиш мақсадида ярмаркага келган ёшлардан бири Шербек Қудратов. – КОСАда мавжуд йўналишлар билан танишдим. Энг муҳими, бу ерда қисқа вақтда пайвандлаш касбини чуқур эгаллаш имконияти борлиғи менда қизиқиш уйғотди.

Ярмарка сўнгида ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта ўқитиш борасида амалга ошириладиган ишларга бағишланган матбу-

от анжумани ташкил этилди. – Ҳозирда юздан ортиқ ташкилотларга ҳамкорлик шартномалари асосида зарур мутахассислар бўйича кадрлар етказиб беряпмиз, – дейди Самарқанд шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази раҳбари Дилшод Пардаев. – Тикувчи, пайвандчи, электр тармоғи мутахассиси, хотин-қизлар учун аёллар сартароши ҳамда ошпазлик ва қандолатчилик йўналишларига талаб катта. Бугунги кўрғазмада ҳам касб ўрганишни мақсад қилган ёшлар асосан ушбу йўналишларга қизиқиш билдирипти.

Ярмаркада ўқув марказида касб сирларини ўрганаётган ўқувчилар ясаган хунармандчилик маҳсулотлари кўрғазмаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. **Сўлаймон МАРДИЕВ.**

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

“SAMARQANDDONMAHSULOTLARI” AJZ AKCIYADORLARI DIQQATIGA!

«Samarqanddonmahsulotlari» akcijadorlik jamiyati akcijadorlarining navbatdan tashqari umumiy iynigilishi 2022 yil 31 avgust kuni (haftaning chorshanba kuni) soat 10:00 da Samarqand shaxri Ziёkorlar kўchasi, 4 uy manziliда joylashgan jamiyat majlislar zalida ўtkaziladi.

КУН ТАРТИБИДА:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санақ комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш тўғрисида;
3. Жамият кузатув кенгаши аъзолари таркибига ўзгартириш киритиш.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш ҳамда йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабарнома олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 15 август кунига ва умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган

акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 25 август кунига белгиланди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан “Samarqanddonmahsulotlari” AJZ да ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб, йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар **соат 8:00 дан 10:00 гача** танишингиз мумкин.

Мурожаат учун телефон:
+99866-239-55-04.

Жамиятнинг расмий веб-сайти:
www.samdon.uz

Электрон почта манзили:
samarqanddon@gmail.uz

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Жомбой туманидаги «BENEFIT BETON» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона (СТИР: 306181523) ўз устав фондини 2 572 141 675 (икки миллиард беш юз етмиш икки миллион бир юз қирқ бир минг олти юз етмиш беш) сўмдан 165 200 000 (бир юз олти беш миллион икки юз минг) сўмга камай-тирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилаётган барча даъволар газетдада эълон чоп этилган, бир ой давомда қабул қилинади.

Манзил: Жомбой тумани Деҳқонобод қўрғони.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Хазратқуллов Махмуд Муминқуллович нотариал идорасида марҳум Арақелов Аркадий Арсеновичга (2021 йил 19 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Турдиев Акбар Ахтамовичга (2020 йил 8 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Хазратқуллов Махмуд Муминқуллович нотариал идорасида марҳум Арақелов Аркадий Арсеновичга (2021 йил 19 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хазратқуллов Махмуд Муминқуллович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Рустамов Аламга (2016 йил 22 май-

да вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.

Оқдарё туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Садуллаев Жамшидхон Сафононович нотариал идорасида марҳум Махаммов Улуғбек Джурраевичга (2021 йил 20 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Садуллаев Жамшидхон Сафононович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Оқдарё тумани Лоийи шаҳарчаси Амир Темур кўчаси.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқуллов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Кулиев Элмурод Хайитбаевичга (2022 йил 29 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқу-

лов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Булуғгур туманидаги “SHANZODBEK ELVORJON DALASTI” фермер хўжалигининг (СТИР: 303572806) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Даргом туманидаги 17-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Абсаматов Музаффар Уткиржон ўғли номига берилган UM № 0522653 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут тумани Испанза Агротадбиркорлик ва сервис касб-хунар коллежидан Оқилова Рўшана Дусмурод кизига берилган K № 3244854 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги «XADJA» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 306577495) думалок муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Инсонни тўғри йўлга бошқаришдан кўра, йўлдан оздириш осонроқ. Сабаби, ҳаётда ҳалол яшаб келаётган ростгўй ва содда кишилар кўпроқ қийинчиликларга дучор келади. Муғомбир, олоқ, ўндан тўққизни урганларнинг эса ошиғи олчи. Шу боисдан моҳиятни англамаган, имони суст одамлар буни кузатиб, осон хулоса чиқаради, аввалига бироздан оғишни бошлаб, кейинчалик кўпроқ адашадилар. Бир куни манглай деворга тегиб, коса косага урилгач, шайтонга тош отишни бошлайдилар.

ТАҚИҚЛАНГАН МЕВА ШИРИНМИ?

Халқимизда қаноат арзонлиги, нафси кўйиб юбориш кўплаб азиятлар келтириши тўғрисида ҳикमतлар ҳўб айтилган. Парвардигори олам башариятни беркорга табақаларга ажратмаган. Бу ҳақда улкан файласуф Абунаср Форобий, буюк бобокалонимиз Амир Темур бабилар ўз даврида кўйма хулосаларини берганлар. Тўғри, айримларнинг юқоридан қўйидаги қатламларга, баъзиларни тубандан баландга ўтказувчи зинаполярдан ўтиш жараёнлари содир бўлиб туради. Бу ўша кишиларнинг қобилияти, ҳаракати билан боғлиқ. Турмуш уринишларини энг паст нуқтадан бошлаб, буюклик мартабасига эришган кишилар жуда кўп. Давлат ва халқ ушига хиёнат қилиш ёки вазифини суистеъмол қилиб, баландликдан биратўла тубанликка қўлаганлар қанчадан-қанча.

тўланганини писанда қилиб турганимизда, қаёқдандир бир маъмур ҳозир бўлди ва далолатнома тўзди. Биз тановул қилмай, қолдирган егуликлар миллий бойликка меҳмонларга пешкаш қилинган битта дахлдор эканини айтиб, уни исроф этганимиз учун жаримага тортишди". Ҳўш, бизда нималар бўляпти? Базм-гоҳларда ўтаётган айрим маъракаларда меҳмонларга пешкаш қилинган битта ўриндик беш юз минг сўмдан ошади. Газаклар, мева-чева, пишириқлар, кетма-кет тортилган таомларнинг ўндан бири истеъмол қилинмайди. Қачон, қайси бир мутасадди юз кишига атаб мингта одамга асқотадиган, маҳсулот увол қилинган зиёфат қолдирганинг умумий миқдорини ҳисоблаб берди? Юртимизда ҳар куни ўтказилаётган бундай тадбирлар қанча? Миллий бойлигимиз бўлган, бозорларимизда қундан қунга қимматлашиб бораётган маҳсулотларни ҳайф кеткизган исрофгарликка нисбатан қачон, қандай чора кўрилади?

Ер юзининг бир қитъасида одамлар табиатдан оғир, айримлар эса мўътадил ва ўта қулай иқлим шароитида ашайди. Аммо Жанубий Африканинг бир неча мамлакатларида аҳолининг асосий қисми оч-яланғоч эканидан қанча-қанча умрлар бевақт хазон бўлмоқда.Тиббиёти ривожланган ўлкаларда буйрағи қуриган қари-қартанг беморлар катта пуллар эвазига ўлим чангалидан қутқарилмоқда. Ваҳоланки, жаҳондаги беъмани урушлар оқибатида тўрт мучаси соғ-саломат, инсониятнинг олтин захираси бўлган беҳисоб ўғлонларнинг умри завол топаётганини ўйлайдиган ҳукмдорлар қани?

Мақолаимизга "Тақиқланган мева ширинми?" дея сарлавҳа қўйдик. Ҳа, тескаричилик қон-жонимизга сингиб кетган. Одам Ато билан Моно Ҳавонинг жаннатдан мосуво бўлишларининг боиси ҳам шу. Ҳаётий кузатишларимдан мисол келтирай: Янги қурилган йўлимизнинг атрофи ҳали ўралмаган эди. Лой қориб, зина ясаб, ишга кетаётсан, кўчада уч-тўрт бола-бақра зерикиб ўтирибди. Гарчи, қилган ишимдан беҳабар бўлсалар-да, ҳали қотиб улгурмаган қўймага оёқ босмасликини шипшиб қўйдим. Оқибат не кўз билан кўрайми, ҳаммаси вайрон қилинибди.

Ҳозирда интернет орқали ахборот тарқатиш оламшумул тўс олди. Бир ёшга қирин боланинг телефон беришларини сўраб гашлагани, қўлига олгач, тўғмаларини босиб, ўзига керакли саҳифани очганига гувоҳ бўлдим. Дарҳақиқат, ҳозирда кафтга жой олгудек миттигина жиҳоз бажараётган амалларнинг саногига етиб бўлмайди. Соатдан тортиб қийлономагача турли ашёларни, илм-фанга доир китобларни, тадбири кўрсатмаларнинг барини ўз кўриниши катталигида бир жойга жамланса, тоғдай уюм ҳосил бўлади. Вақту



Очиқ, аммо аччиқ гап

бевақт, керагу бекорчи эрмакларга муккасидан кетганларга бу катта зарар эканини ҳар қанча ўқтирманг, зое.

Қиз, хотинларнинг ҳижобга киришини қоралаш чоралари тескари натижа бермоқда.

Яқинда ўзим ўқиган мактабда ўтказилаётган тадбирга борсам, ичкарида уч-тўртта ўсмир ирғишлаб, хақаламачоқ ўйнапти. Бегона кишидан заррача ҳайқмаётганлардан иккитаси соқол ўстирган. Кимлигини суриштириб билсам, шу йил ўн биринчи синфини тугатаётганлар экан. Директордан нега бундай, деб сўрасам, буларга гап ўқтириб бўлмаслигини айтиди ва мактабни тугатиб кетишини сабр билан кутишдан бошқа иложи йўқлигини билдириб, ўзини холис қилди. Эчкида соқол битгани қанчалик беъмани бўлса, юриш-туриш одобини билмаган, ҳали инсонийлик бурчини англамаган, соқол масъулиятини ҳис қилмаган бундай ёш-яланглар тобора кўпайиб бормоқда. Урни келганда, Мавлоно Муқимийнинг ғазалларидан байт:

Бузда риш, эшакда жон, тўти гапиргани билан, Эй афандим, сизга ул албатта, инсон бўлдимми?

Энди камбағаллик ҳақида икки оғиз гап. Ишлаб юрган кезларим ҳоқимият томонидан икки-уч хонадонга моддий ёрдам кўрсатиш ҳақида топишир келарди. Атаганларимизни қутига жойлаштириб, манзилга етказсан, оиладаги қўл-оёғи бутун, давонгир шахс қабул қилаётиб: "Бори шуми? Галдагиси кечикмасин-а", деди. Нега раҳмат айтиш йўқ, нечун садақа ола туриб хижолат тортмайди?

Шу охириги бўлсин. Насиб бўлса, биз ҳам ҳаётимизни тезда изга солаемиз, деган тасалли ҳаёлига келмайди? Чунки бундайлар берсанг ейман, урсанг ўламан дегувчи, боқимандалликка кўниккан, интилиши сўниб, шахс сифатида адоий тамом бўлганлардандир. Уларни на тўйғизиб, на моддий ёрдам билан иқтисодини тиклаб бўлади. Ҳар қанча берсанг ҳам ютиб, яна оғзини қарнайдай очиб тураверарди.

Банклар томонидан бериладиган имтиёзли қарзлар, товуқ, қуён, боринги, йирик шоҳли мол боқтириш, ер ажратиш, деҳқончилик қилишга қаратилган рағбатлар ҳам бундайларга ҳайф.

Кўш уясиди кўрганини қилади. Бундай оилаларда етишган фарзандларнинг аксарияти ҳамин қадар. Ота-онанинг нафақаси келишини пойлаб яшайди. На бир касб-ҳунарни эгаллаган, на ёлчилик ўқиган. Муомала тилини билмайди. Бекорчи тенгдошлари билан санқиб юради. Бир касофатга йўлиқмагунча таноби тийилмайди. Нар иборса, мўмай бойлик ортириш илжинида четга кетади. Сарсон-саргардонликда яшаб, тайинли пул орттиролмай-

ди. Уйига қайтиш учун йўлкира тополмаганлари қанча.

Болаликда севиб ўқиган "Ўзбек халқ эртаклари"даги баён ёдимга тушди. До-нишманд ота тарбиясини дилга жо қилган йигитлар бахт излаб сафарга отлангач, қаршидан учта йўл чиқади: бири борса келар, бири борса хатар ва борса келмас. Назаримда шу уч йўлдан бирини танлаганлар ҳам ҳозирда ҳисобсиз. Айримлар Ватанига эсон-омон қайтиб, топан-тутганини яшаш шароитини яхшилашга қаратмоқда. Борса хатардан кетганлар турли оқимларга қўшилиб, ёт гоьлар учун ҳатто қўлга қурол ушлаб, ўғқа учмоқда. Борса келмасдагилар эса бегона юртларда томир отиб, она юртига қайтиш ҳаёлида йўқ.

Ҳарбий хизмат даври тугашига оз мuddат қолган сайин соғинчимиз ортиб, нафақат кун, ҳатто соат санаган вақтларимизда рус йигитлари йиғилиб, шу ердан тўғридан-тўғри ўрмон кесишга ёки океанларда балиқ овловчиларга катта ҳақ тўлишини айтиб, аллақайларга боришни ниат қилсалар, ҳайратга тушардик. Нима, буларнинг йўлига кўзи тўрт бўлиб турган ота-оналари, жону жигарлари йўқми, киндик қони томган хонадонга меҳри, ҳар бир қаричи қадрдон бўлган жонажон кишиларнинг оҳанрабодай тортувчи туйғу, униб ўсган ерига муҳаббати қани?

Нетонг, замона зайли билан вояга етган авлоднинг руҳияти шаклланиши туфайли бу хусусиятлар бизга ҳам етиб келди.

Мабодо, менинг фикрларим сизга маъқул келмаса, густоҳлик қилмайман. Айтиди қўйди-да денг, бўлди. Зеро, ўзинг ҳақингда нотўғри хулоса чиқаришларига сабаби бўлмаслигини учун ўзгача фикрловчиларга мос келмайдиган масалаларда баҳслашишдан қочмоқ жоиз. Аммо эски йўналишдан воз кечмай туриб, янги йўлдан бориш душвор. Аллоҳдан ҳеч нарса умидвор эмасман. Берганига шукур қилиб яшайвераман.

Юки энгил туя бақироқ бўлади. Янтоқ керак бўлса, бўйин чўзиш кераклигини билмайдиган нортурялар кўпаймоқда. Битта ичи кетган мол подани бўлгайди. Қорақалпоғистонда кечган воқеаларнинг "йўл-бошиқ"лари қучварани хом санаганлар. Ўзбекистон яхлитлигини парчаламоқчи бўлганларнинг аҳволига вой.

Президентимизнинг ёшлар билан бўлган учрашувда ёш авлодга ваъда қилинган имконият ва имтиёزلарни эшитиб, катта ҳаётга қириб келаётган авлодга ҳавасландим.

Юртбошимизнинг шу жидду жаҳди юқоридан қўйишга бўлган барча му-тассаддилар ва одамларимиз томонидан астойдил қўллаб-қувватланишига ишонгим келади.

Ғайбиддин ФАЗЛИЕВ.

Ёнимиздаги одамлар

Фидойи музейшунос

Самарқандлик антрополог-музейшунос Самариддин Мустафоқуловни ўз касбига садоқат ва фидойилик билан ёндашадиган инсонлар қаторига киритиш мумкин. У умрининг қарийб 40 йилини аждодлар тарихини ўрганишга бағишлаб келмоқда. Археология институтининг кичик ходимлигидан Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош директори лавозимигача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтиб, обрў-эътибор қозонди. Бугунги кунда ҳам шу соҳада ишлаб, ўнлаб шоғирдларга устозлик қилмоқда.



Самариддин ака 1962 йилнинг 12 августда Тойлоқ туманидаги Сочак қишлоғида таваллуд топан. 1979 йилда тумандаги 26-ўрта мактабни битириб, Самарқанд давлат университетини тарих факультетига ўқишга кирди. 1984 йилда университетни тугатган, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг кичик лаборант сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Таниқли антрополог Т.Ҳўжаев раҳбарлигида кўплаб илмий экспедицияларда иштирок этди. Ана шу иланишлари натижаси ўлароқ, 1997 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

2007 йилда Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси раҳбарияти изланувчан мутахассис С.Мустафоқуловни Самарқанд шаҳар "Афросиёб" музейи директориликга тайинлади. Унинг раҳбарлигида турли мавзуларда кўргазма, конференция ва оммавий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган "Самарқанд - Буюк Ипақ йўлидаги табаррук шаҳар" экспозицияси, 2010 йилда Афросиёб музейининг 40 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция ва семинарлар ташкил этишда жонбозлик кўрсатди.

Айниқса, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган маҳсус кўргазма дунё олимлари эътиборини тортиди. 2020 йилга келиб, "Афросиёб деворий суратлари: ўрганилиши, талқин ва муҳофазаси муаммолари" мавзудаги халқаро илмий конференцияда иштирок этган олимларнинг илмий мақолалари тўпламини нашр эттирди. Жанубий Кореянинг Шимолий-Шарқий Осиё тарихи фонди билан ҳамкорликда Афросиёб деворий суратларининг 3D форматдаги видеофильми яратилди.

Қўшработ туманида Эргаш Жуманбулбул ўғли ёдгорлик музейи, Самарқанд шаҳридаги Ҳожи Абдулазиз Абдурашулов ва Маҳмудхўжа Бехбудий уй-музейлари ташкил этилишида С.Мустафоқуловнинг ҳиссаси катта бўлди.

Самариддин ака вилотдаги меъморий ёдгорликлар, музей ашёлари тарихига оид юзга яқин мақолаларни чоп эттирди. Россиялик тарихчи олим В.Вяткиннинг музей-қўриқхона илмий архивда сақланаётган "Самарқанд меъморий ёдгорликлари" кўлёма асарини нашрга тайёрлади. Музей-қўриқхона фондида сақланаётган зардўзлик музейи директориликга тайинланди. Унинг раҳбарлигида турли мавзуларда кўргазма, конференция ва оммавий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган "Самарқанд - Буюк Ипақ йўлидаги табаррук шаҳар" экспозицияси, 2010 йилда Афросиёб музейининг 40 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция ва семинарлар ташкил этишда жонбозлик кўрсатди.

Айниқса, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган маҳсус кўргазма дунё олимлари эътиборини тортиди. 2020 йилга келиб, "Афросиёб деворий суратлари: ўрганилиши, талқин ва муҳофазаси муаммолари" мавзудаги халқаро илмий конференцияда иштирок этган олимларнинг илмий мақолалари тўпламини нашр эттирди. Жанубий Кореянинг Шимолий-Шарқий Осиё тарихи фонди билан ҳамкорликда Афросиёб деворий суратларининг 3D форматдаги видеофильми яратилди.

Қўшработ туманида Эргаш Жуманбулбул ўғли ёдгорлик музейи, Самарқанд шаҳридаги Ҳожи Абдулазиз Абдурашулов ва Маҳмудхўжа Бехбудий уй-музейлари ташкил этилишида С.Мустафоқуловнинг ҳиссаси катта бўлди.

Президент қарорига кўра

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 июлдаги "Таэквондо (WT) спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, мактабларда таэквондо секциялари фаолият бошлайди.

травматологияси ва ортопедияси, фармакологияси, спортчиларнинг саматик касалликларини даволаш, иммунитетни коррекциялаш (тузатиш), функционал таш-

180 та мактабда таэквондо секциялари очилади

Хусусан, вилотимиздаги мактабларда 2023 йил 1 январдан бошлаб спортнинг таэквондо (WT) тури бўйича дарсдан ташқари алоҳида спорт секциялари очилади. Йилига 45 тадан мактабда секциялар ташкил этилиб, уларнинг сони 2026 йилга қадар 180 тага етказилади. Шунингдек, таэквондочиларнинг спорт тиббиёти

бўйича билимларини ошириш мақсадида Самарқанд давлат тиббиёт университети спорт тиббиёти кафедраси томонидан Корея Республикасининг етакчи спорт тиббиёти клиникалари билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ташкил этилади. Семинар-тренингларда спорт кардиологияси,

хис (диагностика), спорт жароҳатидан кейинги реабилитация ҳамда спортчиларнинг машғулотлар ва мусобақа юктамаларидан кейинги реабилитацияси мавзуларида тажриба алмашилади. Ахрор ШАМСИЕВ, вилот спортни ривожлантириш бошқармаси бўлим бошлиғи.



"Динамо" профессионал футбол клубида жамоа раҳбарияти ва аъзолари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Вадим АБРАМОВ — "ДИНАМО" БОШ МУРАББИЙИ

Унда жамоанинг Суперлигадаги қониқарсиз натижалари сабабли Андрей Шипилов ўз аризасига биноан клуб билан хайрлашгани маълум қилинди ва янги бош мураббий сифатида таниқли мутахассис, Ўзбекистон миллий жамоаси собиқ устози Вадим Абрамов футболчиларга расман таништирилди. 59 ёшли мутахассис "Трактор", "Локомотив", "Нефтчи", "Бунёкор" клублари, Ўзбекистон олимпия

ва миллий жамоасида фаолият юритган. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон миллий жамоаси бош мураббийи бўлган. Маълумот учун, "Динамо" жамоасида йил бошидан буён учинчи марта мураббий алмашди.

Matbuot uyi Zarafshon Samarqandskiy Vestnik

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: X.ERNAZAROVA. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X 9 772010 667009